*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил
**27 январь**
ШАНБА
**№ 8** (13061)
www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## УМУМИЙ ЎРТА, ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилларда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, таълим жараёнини модернизациялаш ва мазмунини янгилашни таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, иқтидорли ёшларнинг халқаро ва республика олимпиадалари ҳамда танловларда салмоқли натижаларга эришишларида уларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тизимли чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ривожланишини таҳлил қилиш натижалари тизимнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ва туб ислоҳотларга муҳтожлигини кўрсатди:

**биринчидан,** касб-ҳунар коллежлари аҳоли яшаш жойларига яқин бўлмаган масофада жойлаштирилганлиги, айниқса, ҳудудларда транспорт инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда об-ҳаво шароитлари туфайли ўқувчиларнинг вақти-вақти билан оммавий равишда дарс машғулотларини қолдиришларига сабаб бўлмоқда;

**иккинчидан,** касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини шакллантиришнинг мавжуд амалиёти касб-ҳунар коллежлари таълим йўналишларига жавоб бермайдиган ўқув устахоналари ташкил этилишига, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан етарли даражада таъминланмаслигига олиб келди. Касб-ҳунар коллежлари моддий-техник жиҳозланишининг ўртача даражаси бугунги кунда атиги 56 фоизни ташкил этади, 31 та касб-ҳунар коллежида ўқув устахоналари умуман мавжуд эмас;

**Давоми 2-бетда.**

*Ўрта Чирчиқ туманида "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов фаолияти хроникаси (Солнома)", "Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир", "Юксак маънавият – енгилмас куч" ҳамда "Президентга мактублар" китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

## БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАОЛИЯТИГА ОИД КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги, вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари масъуллари, таълим муассасалари раҳбарлари, шоир-ёзувчилар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят ва туман кенгашлари ходимлари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б. Сайфуллаев ва бошқалар истиқлол йилларида халқимиз қўлга киритган барча ютуқ ва марралар, бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, меҳроқибат ва бағрикенглик муҳити Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

**Давоми 3-бетда.**

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили



## ТАШАББУСКОР ЁШЛАРГА ОҚ ЙЎЛ!

Бўстонлиқ туманидаги "Хўжакент" дам олиш оромгоҳида вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов ёш тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар билан мулоқот ўтказди.

Вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган учрашувда мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарилигида иқтисодиётнинг муҳим тармоғи – ишлаб чиқариш ва кичик бизнес, фермерлик ҳаракати ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, соҳани янада ривожлантириш мақсадида янги инновацион ғоялар, замонавий технологияларни татбиқ этиш, ёш кадрларга ҳар томонлама кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбирда вилоят ҳокими ёш тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг фаолиятида дуч келаётган тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш бўйича қатор долзарб фикр-мулоҳазаларни билдирди.

– Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи ва равнақига ўз ҳиссасини қўшишни мақсад қилган ёшларимиз учун барча имкониятлар ва шароитлар яратилган, – дейди Бекобод туманидаги "Собиржон Шарофуддинов" фермер хўжалигининг ёш раҳбари Жаҳонгир Аҳмедов. – Ёш тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши, инновацион лойиҳаларни амалга ошириши, ижодий ташаббуслари давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, иқтидорли ёш олимлар, талабалар, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қизғин баҳс ва мунозараларга бой тарзда давом этган мулоқот мобайнида давлат ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари фаол ёшлар, фермерлар, тадбиркорлар ва ҳунармандларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Чирчиқ шаҳрида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан "Аҳоли бандлигини таъминлашда – тадбиркор ўрни беқиёс" шиори остида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.*

### Бандлик

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар, янгича ёндашувлар ўз самарасини бераётганини алоҳида тилга олди.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 265 дан зиёд ташкилотлар, бирлашмалар, муассасалар, ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш корхоналари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларининг фаолият йўналишларига доир кўргазмалар ва 4 минг 500 га яқин вакансиялари билан иштирок этди.

Ярмаркада қатнашган тижорат банклари вакиллари иштирокчиларга ишлаб чиқариш ускуналари, кўчмас мулк, ер участкалари, автомобиль ва маиший техника учун кредит олиш тартиби ҳақида атрофлича маълумот берди.

– Мақсадимиз – ёшларга ўз мутахассислиги бўйича иш топишига кўмаклашиш, – дейди Оққўрғон тумани Бандлик ва меҳнат муносабатлари хизмати катта мутахассиси Сирожиддин Дониёров. – Бугунги ярмаркада туманимиздаги ўндан зиёд давлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари юздан ортиқ иш ўринларини таклиф қилмоқда.

**Давоми 3-бетда.**



*Қобулжон ҒОФУРОВ олган сурат*

## ҲАРБИЙ-МАЪМУРИЙ СЕКТОРНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ

*Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳарбий-маъмурий секторининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур сектор аъзолари, Тошкент ҳарбий округи ва унга қарашли муассасалар мутасаддилари, маҳаллий ижро этувчи органлар, тегишли бошқарма ва ташкилот раҳбарлари иштирок этган йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг шу йил 10 январда бўлиб ўтган кенгайтирилган таркибдаги мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада вилоятда йилнинг дастлабки ойида бажарилган ишлар ва келгуси ойга мўлжалланган чора-тадбирлар таҳлилига бағишланди.*

*Йиғилишни вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Ғуломжон Ибрагимов бошқарди.*

### Вилоят ҳокимлигида

Қайд этилганидек, ўтган йили Миллий гвардия ва мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди, ҳарбий округларнинг ташкилий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, уларни босқичма-босқич замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаоллиги ва ролини ошириш борасидаги ишлар бугун янги босқичга кўтарилмоқда. "Миллий армиямиз – бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз" тамойили асосида ҳудудларда ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг том маънодаги якдиллигини таъминлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди.

Йиғилишда сўзга чиққан тегишли соҳалар мутасаддилари, давлат ва жамоат бошқаруви идоралари вакиллари кун тартибига чиқарилган масалалар юрт тинчлиги ва барқарорлигини сақлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни юксак ватанпарварлик ва юртга садоқат руҳида тарбиялашда ўта муҳим ва улкан ҳаётий аҳамият касб этишини таъкидлаб, бу борада ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни келишиб олишди.

Йиғилишда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

### РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

**Ўзбекистонда 2018 йилда:**

Геология-қидирув ишлари давлат дастурига мувофиқ, янги конлар очиш орқали табиий газ захирасини **57 миллиард** куб метрга, нефть ва конденсат захирасини **3,6 миллион** тоннага кўпайтириш режалаштирилмоқда.

* * *

**63 миллиард** куб метр табиий газ, **3 миллион** тонна нефть ва конденсат қазиб олишни таъминлаш учун **255 та** янги қудуқ ва **26 та** янги технологик объектни қуриш ишларини якунлаш, **76 та** қудуқни капитал таъмирдан чиқариш ишлари амалга оширилади.

* * *

"Ўзбекнефтгаз" АЖ томонидан **2 миллиард 756 миллион** АҚШ долларилик **24 та** инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Улардан тўққизтаси шу йили ишга туширилади.

## ОХИРАТ ДУНЁСИГА БЕПИСАНДЛИК МЎМИНГА ЯРАШМАС

*Ҳеч шубҳа йўқки, ҳар бир инсоннинг сўнгги борар асл ва муносиб манзили қабристондир. Ҳақиқатки, ушбу манзилдан қўним топиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.*

### Мавзуга қайтиб...

Маълумки, инсонларнинг сўнгги қўним топган манзиллари азал-азалдан асраб-авайлаб, қадрланиб келинган. Муқаддас ислом динимиз таълимотларида бу борада алоҳида кўрсатмалар мавжуд. Ҳатто, қабр ишига доир махсус китоблар ёзилган, йирик асарларда бу мавзуга алоҳида бўлимлар ажратилган.

Зотан, дафн иши, қабр аҳлини зиёрат қилиб, ҳақларига дуо айлаш, ён-атрофларини асраб-авайлаш ажри улуғ амал бўлиши билан бир қаторда юксак маънавий озуқа ҳамдир.

**Топшириқ эмас, илтимос...**

Муҳтарам Юртбошимиз 2018 йил 5 январь куни Тошкент вилоятига қилган ташрифларининг биринчи кунида "Зангиота" зиёратгоҳида бўлиб, бу ерда ўтган улуғларимиз, буюк алломаларимиз ёд этилди. Уларнинг ҳақларига Қуръон тиловати ила дуолар қилинди.

Ушбу ташриф давомида Юртбошимиз: ***"Аждодларимиз, ота-оналаримиз, умуман олганда, ўтганларимизга ҳурмат бажо келтириш, уларнинг қабрларини обод қилиш ҳар биримизнинг вазифамиздир"***, дея таъкидладилар.

Сўзлари давомида бу масалада амалга оширилиши керак бўлган ишларни баён этиб, мавзу юзасидан аҳолига Президент талаби эмас, аксинча, илтимосномаси сифатида мурожаат қилинишини сўрадилар.

Ҳа, Президент илтимосномаси...

Тўғрида. Бу масалада топшириқ виждонини йўқотган, тўғрироғи, ундан воз кечган инсонлар учунгина берилиши мумкин...

**Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг қалб сўзларига муносабат**

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2018 йил 17 январдаги 5-сонида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир томонидан ёзилган мақола, яъни ундаги ҳақиқатлар бугун кенг жамоатчилик орасида ўз таъсир кучини кўрсатмоқда, десак янглишмаймиз.

Мақолада келтирилган қабристон қоровулининг сўзларига диққатингизни чорламоқчимиз:

***"Оқсоқолимиз Орифжон ака ўн йиллардан бери қабристонга қадам қўймайдиган айрим хонадон эгаларини: "Қабристонда ҳашар уюштираяпмиз, илтимос, келиб ота-онангиз қабрини тозалашда ёрдам беринг", деган мазмунда таклифнома юбориб ҳам келтира олмадилар...***

***Бундай инсонларга тегишли қабрларни имкон қадар ўзимиз тозалаяпмиз...***

***Баъзилар ота-онаси қабрига йиллаб келмагани, қабрлар чўкиб, хас-хашак остида қолиб кетгани боис гўрковдан жабрдийдаларининг қабрини топиб беришни сўрашади...***

***Бу даражадаги шармандаликка қандай чидаш мумкин?!"***

Аминмизки, бу қуруқ жилоли сўзлар эмас... Афсуски, барчаси ҳаётий воқелик...

Кимнинг ҳаёти...

Сизу бизнинг ҳаётимиз...

**Давоми 4-бетда.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# УМУМИЙ ЎРТА, ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**учинчидан,** етарли даражада молиялаштирилмаганлиги натижасида касб-ҳунар таълими тизими учун зарур бўлган кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилмади, дарсликларнинг 50 фоизи рус ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинмаган, амалдаги дарсликлар бирор марта янгиланмаган;

**тўртинчидан,** касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш тизими ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларнинг реал эҳтиёжларидан ортда қолганлиги, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари учун белгиланган қабул квоталарида меҳнат бозори конъюнктураси ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш имкониятлари ҳисобга олинмаслиги битирувчиларни ишга жойлаштиришда қийинчилик туғдирмоқда;

**бешинчидан,** касб-ҳунар коллежларидаги мавжуд ўқув жараёнини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати, қўлланилаётган ўқув-норматив ҳужжатлар ҳамда ўқитиш муддатлари касбларнинг мураккаблик даражасига жавоб бермайди, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишдаги камчиликлар олинаётган билим даражаси тушиб кетишига ва тегишли равишда қатор таълим йўналишлари бўйича битирувчиларга бўлган эҳтиёжнинг пасайишига олиб келади ва натижада ўқишни тамомлагандан кейин иш жойларида уларни қўшимча ўқитиш заруратини келтириб чиқармоқда;

**олтинчидан,** аҳоли турли тоифаларини "Ҳаёт давомида таълим олиш" принципи бўйича касбга тайёрлаш тизимининг етарли ривожланмаганлиги аксарият катта ёшли аҳоли, шунингдек, ишсиз ёшлар ва ногирон шахсларнинг меҳнат бозорида кераксиз бўлиб қолишига олиб келмоқда;

**еттинчидан,** касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини ташкил этишга ва ўқувчиларни интеллектуал, маънавий-маърифий тарбиялашга юзаки ёндашиш, уларнинг бўш вақтларини банд этишнинг самарасиз механизми ўқувчилар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноий қилмишлар сони ортишига, уларнинг ўқишга қизиқиши ҳамда давоматнинг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизимига ўтилиши жамоатчилик, ота-оналар ва 9-синфлар битирувчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим мактабларида, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактабларда, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатларида, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида ҳамда академик лицейларда узлуксиз ва 11 йиллик муддатда амалга оширилади;

Бошланиши 1-бетда.

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган ўқитиш муддатларида амалга оширилади;

касб-ҳунар коллежларига 2017/2018 ўқув йилига қадар (ушбу ўқув йили қўшилган ҳолда) ўқишга қабул қилинган ўқувчилар ўқишни ўзлари таълим олаётган касб-ҳунар коллежларида амалдаги ўқув дастурлари асосида белгиланган тартибда тугатадилар.

2. Қуйидагилар касб-ҳунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олиб эҳтиёж юқори бўлган ва турдош мутахассисликлар бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилган ҳолда ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган ва камида иккита хорижий тилни биладиган малакали кадрларни тайёрлаш;

кадрларга бўлган реал эҳтиёжни, иш берувчи корхоналарнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича касб-ҳунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб, ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга, шунингдек, ўқувчиларда бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённи янги педагогик шакллар ва усуллар асосида ташкил этиш;

етакчи маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун касб-ҳунар таълими соҳасига юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

касб-ҳунар таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларини босқичма-босқич халқаро аналогларга мослаштириш ва эътироф этилишига қаратилган ишларни ташкил этиш;

касбга ўргатиш билан бир қаторда таркибий жиҳатдан умумий таълим олишни биргаликда олиб борадиган, шунингдек, нодавлат таълим секторини узлуксиз давлат таълим тизими билан самарали интеграциялаш, табақалаштирилган таълим жараёнини ташкил этиш бўйича орттирилган амалий тажрибани тизимлаштириш ва келгусида амалиётга жорий этиш;

мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш, уни барқарор ўстириш ҳамда модернизациялаш жараёнларида самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

юқори самарали ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва инновацион технологияларга асосланган парклар билан жиҳозланган касб-ҳунар коллежларининг замонавий моддий-техника базасини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш, ундан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Қуйидагилар:

касб-ҳунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқлаштириш Республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ;

касб-ҳунар коллежлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб бориш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларининг намунавий таркиби (кейинги ўринларда – ҳудудий ишчи гуруҳ) 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

4. Республика комиссияси (К. Акмалов), ҳудудий ишчи гуруҳлар қуйидагиларни таъминласин:

а) уч ой муддатда мавжуд таълим дастурларига кирадиган мутахассисликлар бўйича меҳнат бозоридаги реал эҳтиёжни аниқлаш, уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқлиги, кейинчалик битирувчиларни бириктириш мақсадида тармоқларда потенциал иш берувчиларни аниқлаш юзасидан касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ҳар томонлама танқидий ўрганиб чиқиш;

б) 2018 йил 1 июлгача тегишли Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш, унда қуйидагиларни назарда тутиш:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мақсадли параметрларига ва меҳнат бозори прогнозига мувофиқ, кадрларга бўлган мавжуд реал эҳтиёжни инобатга олиб касб-ҳунар коллежларини тармоқ бўйсунуви асосида тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар тасарруфига ўтказиш;

тадбиркорлик соҳаси, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун меҳнат бозорида талаб қилинаётган касблар бўйича кадрларни мақсадли тайёрлайдиган кўп тармоқли касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш;

тармоқ вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналар – кадрлар буюртмачилари томонидан алоҳида мутахассисликлар (касблар)га эҳтиёж ва талаб паст бўлган касб-ҳунар коллежлари умумий сонини оптималлаштирган ҳолда уларни қисман қайта ташкил этиш;

оптималлаштирилиши керак бўлган касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасидан, уларда умумтаълим мактаблари, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ва мактабгача таълим муассасалари жойлаштирилишини назарда тутиб, бино ва иншоотларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар бажарилгандан сўнг Республика ва ҳудудий ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини тугатади.

5. Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритиладиган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларида янги йўналишлар ва мутахассисликлар очилиши бўйича таклифлар киритсин.

6. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

касб-ҳунар коллежлари аксарият ҳолларда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда йирик корхоналар – тармоқ бўйсунуви бўйича кадрларга буюртмачилар таркибида фаолият юритади;

касб-ҳунар коллежларининг бериладиган бинолари, иншоотлари, жиҳозлари, мебель ва инвентари қиймати қўшимча қиймат солиғи ва даромад солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

2017/2018 ўқув йилигача (ушбу ўқув йили ҳам шу жумлага киради) касб-ҳунар коллежларига қабул қилинган ўқувчилар ўқишни тўлиқ тугатгунига қадар ушбу касб-ҳунар коллежларининг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарнинг тасарруфидаги касб-ҳунар коллежларини сақлаш, кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга мақсадли тарзда йўналтирилган маблағлари барча турдаги солиқлардан ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 25 январь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «УМУМИЙ ЎРТА, ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштиришга, сифатли таълим хизматларидан фойдаланишни оширишга, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлашга давлат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўтган йилларда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида республикада мустаҳкам ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техник база яратилди, бу интеллектуал салоҳияти юқори ва баркамол ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг мазмунини янгилашга кўмаклашди.

Шу билан бирга, ислоҳотлар амалга оширилган йилларда умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳозирги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ва тубдан ислоҳ қилишга муҳтож эканлигини кўрсатди.

Жумладан, касб-ҳунар коллежларини ҳудудларда жойлаштиришга тизимли ёндашиш мавжуд эмаслиги, минтақаларда йўл-транспорт инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги ўқувчиларнинг вақти-вақти билан машғулотларга оммавий қатнашмаслигига сабаб бўлди;

касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг ўқув устахоналари ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминланганлиги илм-фан, ишлаб чиқариш технологиялари ва техниканинг ривожланиши суръатларидан орқада қолди, касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник жиҳозланиши даражаси ўртача 56 фоизни ташкил этди;

дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва нашр этиш бўйича ишлар самарасиз ва ўз вақтида молиялаштирилмаслиги касб-ҳунар таълими тизимини янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашда жиддий равишда орқада қолишга олиб келди;

касб-ҳунар коллежларидаги минтақаларда иқтисодиёт тармоқларининг реал эҳтиёжларини таъминламайдиган кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизими, меҳнат бозори конъюнктураси ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш учун имкониятлар мавжудлиги ҳисобга олинмасдан белгиланадиган касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш квоталари битирувчиларни ишга жойлаштириш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди;

касб-ҳунар коллежларидаги амалга ошириладиган ўқув жараёни, қўлланиладиган ўқув-норматив ҳужжатларнинг камчиликлари, касбларнинг мураккаблиги даражаси ҳисобга олинмасдан таълимнинг ягона муддатлари белгиланиши, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишдаги камчиликлар олинадиган билимлар даражаси пасайишига ва бир қанча йўналишлар бўйича битирувчиларга талаб пастлигига, ўқиш тугаллангандан кейин иш жойларида уларни қўшимча равишда ўқитиш зарурлигига олиб келди;

аҳоли турли тоифаларини "Ҳаёт давомида таълим олиш" принципи бўйича касбга тайёрлаш тизимининг заиф ривожланганлиги катта ёшдаги аҳолининг салмоқли қисми, шу жумладан, ишга жойлашишга муҳтож бўлган ёшлар ва ногирон шахслар меҳнат бозорида талаб этилмаслигига олиб келди;

касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини ташкил этишга ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш, уларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг самарасиз механизми машғулотларга қатнашиш пасайишига ва бунинг оқибатида улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сони кўпайишига олиб келди.

Ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш, илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, мавжуд касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарга идоравий бўйсунувчи касб-ҳунар коллежларида малакали ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳоли барча қатламларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва бандлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонда қуйидагилар назарда тутилган:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта таълим узлуксиз 11 йиллик таълим негизида амалга оширилади;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган таълим муддатларида амалга оширилади.

Фармонда касб-ҳунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг қуйидаги энг муҳим вазифалари ҳам белгиланган:

талаб этилган касблар бўйича иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олган ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилган ҳолда ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган ўрта бўғиннинг малакали мутахассисларини тайёрлаш;

иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун зарур мутахассислар тайёрлаш, кадрларга бўлган реал эҳтиёжни, иш берувчи корхоналарнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинган мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш бўйича касб-ҳунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб, ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга, шунингдек, ўқувчиларда бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённи янги педагогик шакл ва усуллар асосида ташкил этиш;

етакчи маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, инновацион ўқув лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

касб-ҳунар таълими миллий стандартлари талабларини халқаро таълим стандартлари таснифлагичига, халқаро малака талабларига мувофиқлаштириш, миллий малака талабларининг ривожланган мамлакатлар малака талабларига мувофиқлигини босқичма-босқич таъминлаш ва эътироф этилишига қаратилган ишларни ташкил этиш;

нодавлат таълим секторини узлуксиз давлат таълим тизими билан самарали интеграциялаш, табақалаштирилган таълим жараёнини ташкил этиш бўйича орттирилган амалий тажрибани тизимлаштириш ва келгусида амалиётга жорий этиш;

мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш, уни барқарор ўстириш ҳамда модернизациялаш жараёнларида фаол ва самарали иштирок этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаб касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

касб-ҳунар коллежларининг замонавий моддий-техника базасини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона фойдаланиш бўйича юқори самарали ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва бошқа ахборот-коммуникация ускуналари билан жиҳозлашни ўз ичига оладиган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Фармон билан касб-ҳунар таълими тизимини янада такомиллаштиришни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси ҳамда тегишли ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Қуйидагилар уларнинг вазифалари ҳисобланади:

таълим олинадиган мутахассисликлар бўйича кадрларга меҳнат бозоридаги эҳтиёжни, уларнинг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқлигини, кейинчалик битирувчиларни бириктириш учун потенциал тармоқ иш берувчиларини аниқлаш юзасидан касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ўрганиш;

минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мақсадли параметрларига ва меҳнат бозори прогнозига мувофиқ кадрларга бўлган мавжуд реал эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар коллежларини тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарнинг тармоқ бўйсунишига бериш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, кичик ва хусусий бизнес корхоналари учун меҳнат бозорида талаб этиладиган ишчи касбларига ўқитиш учун кўп тармоқли коллежлар тармоқларини ташкил этиш, айрим мутахассисликлар (касблар) бўйича талаб йўқлиги муносабати билан касб-ҳунар коллежларини оптималлаштириш ёхуд уларда умумтаълим мактаблари ва ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ҳамда болалар мактабгача таълим муассасаларини жойлаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши мавжуд касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, малакали ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва умуман касб-ҳунар таълими тизимини янада ривожлантириш имконини беради.




# МАНГУ ЭҲТИРОМ

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилди.*

Ушбу тадбирда Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгаши раислари, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, сиёсатшунос ва иқтисодчи олимлар, партиянинг "Истиқбол" ва "Фаол аёллар" қанотлари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида "Ислом Каримов – истиқлол меъмори", "Ислом Каримов – мустақил Ўзбекистон асосчиси" мавзуларида фикр алмашилди. Маърузаларда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўз халқининг эркин, озод ҳаёти, порлоқ келажаги йўлида бор куч-ғайрати, имкониятини ишга солгани таъкидланди. У бой берилган миллий ғурур ва қадр-қиммат, тарихий-маданий мерос, маънавий қадриятларимизни тиклашга астойдил ҳаракат қилгани, энг мураккаб шароитларда оқилона йўл тута олган моҳир сиёсатчи, доно давлат раҳбари бўлгани айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан эҳтиром кўрсатилаётир. Биринчи Президентимизнинг номини абадийлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бунинг ёрқин намунасидир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАОЛИЯТИГА ОИД КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

– Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори айни халқимиз кўнглидаги ҳужжат бўлди, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Шамсиддин Жумаев. – Биринчи Президентимиз мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида ўз ҳаётини фидо этган қатъиятли ва мард инсон сифатида доимо қалбимизда қолади. У кишининг ҳаёти ва фаолияти барчамизга, айниқса, ёш авлодга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Ушбу асарлар ҳам Биринчи Президентимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилиши билан қадрлидир. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги "Маънавият" нашриёти билан биргаликда ушбу китоблар барча туман ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан жойларга давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасаларига етказилади.

Тадбирда ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирган буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов китоблари иштирокчиларга тарқатилди.

**А. МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бошланиши 1-бетда.

# ҚАЛБЛАРДА ҲАМИША БАРҲАЁТ

*Шу кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тегишли қарорига биноан, истиқлолимиз асосчиси Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда.*



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан "Дўрмон" маданият саройида ўтказилган "Ислом Каримов – мустақил Ўзбекистон асосчиси" мавзуидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам шу қутлуғ сана муносабати билан ташкил этилди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, ўқитувчи ва ўқувчилар, ёшлар иттифоқи кенгаши фаоллари, Чирчиқ давлат педагогика институти талабалари, ҳарбий таълим ўқув юрти курсантлари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир буюк давлат арбоби Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон тарихида туб бурилиш ясаган бу инсоннинг халқимизнинг озод, эркин, фаровон ҳаёти йўлидаги буюк хизматларини эътироф этди. Бу эзгу ғояларни янги талқинда, янада кенг қамровда амалга ошираётган муҳтарам Президентимиз катта ишонч, умид билдираётган ёшлар мустақил Ўзбекистоннинг келажаги эканини таъкидлади.

Шунингдек, Ислом Каримов фонди ходими Ботир Убайдуллаев, бўкалик меҳнат фахрийси Раҳмон Саидов Биринчи Президентимиз ҳақидаги ёрқин хотираларидан сўзлаб берди.

Тадбир давомида "Ислом Каримов асарлари билимдони" танлови ғолиби, Ислом Каримов хотирасига бағишланган "Энг яхши иншо", "Энг яхши мақола" муаллифлари эълон қилинди. Ғолиб ва совриндорлар вилоят ҳокими, ёшлар иттифоқи вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**С. ЭШМАТОВА.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

## Давра суҳбати



*Қибрай туманидаги 2-умумтаълим мактабида педагоглар, туман хотин-қизлар қўмитаси аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўқувчи қизларнинг кийиниш, муомала, одоб-ахлоқ ва нутқ маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар самарадорлигини янада оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

# ИЗИНГИЗДАН ИБО ЭРГАШИБ ЮРСИН...

Тадбирда "Ахлоқ ва мукаммаллик", "Кийиниш маданиятининг нозик жиҳатлари", "Қизларга хос ибо ва ҳаёни шакллантириш", "Ўқувчи қизларда муомала ва кийиниш маданиятини юксалтиришнинг муҳим омиллари", "Қизлар қалбига одоб-ахлоқ қоидаларини сингдириш, уларнинг оила ва жамиятда ўз ўрнини топишларида психологик кўникма ва маънавий етукликни шакллантириш" сингари қатор мавзуларда баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Туманда ана шу йўналишларда олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Иштирокчилар томонидан бу борадаги ишларни янада юқори даражага кўтариш, самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, тарғибот ва тушунтириш ишларини, хусусан, ўқувчиларнинг газета ва китоб мутолаасига бўлган қизиқишини янада кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЎЗИМИЗНИ «ҚИЙНАШИМИЗ» КЕРАК

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ва вилоят кенгашлари ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида "Ислоҳотлардан кўзланган мақсад – аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдир" мавзуида семинар ўтказилди.*

## Партиялар ҳаётидан

Унда мазкур партиядан, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда партия вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров сўз олиб, Президентимиз ҳудудимизнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-маърифий ривожланишига ҳам алоҳида ва жиддий эътибор қаратаётганини қайд этди.

– Давлатимиз раҳбари: "Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнини топиши шарт", дея таъкидлади, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Марҳабо Қурбонова. – Бундай улкан мақсадни амалга оширишда биз, депутатларни фаол бўлишга чақирдилар. Ана шулардан келиб чиқиб, эндиликда ҳудудимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижро этилиши назоратида биз ҳам депутат сифатидаги ўз иш услубимизни ўзгартиришимиз, таъбир жоиз бўлса, ўзимизни қийнашимиз керак.

Семинарда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шу йил 5 январь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида кўтарилган иқтисодий-ижтимоий, тиббиёт, туризм, электр энергия таъминоти каби кўплаб соҳаларнинг ислоҳ этилиши аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилиши айтилди.

Вилоятимиздаги ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида партия томонидан ташкил этилган "Уйма-уй" лойиҳаси ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Улар орасида шифокорлик, ўқитувчилик, тикувчилик, қурилиш ва бошқа соҳалар бўйича мутахассисларга эҳтиёж бор. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги Россия Федерациясида ишлашни истовчилар учун юздан ортиқ иш ўрнини таклиф қилди.

Шу куни шаҳар ва туманлардан келган иш билан банд бўлмаган фуқаролар ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билан мингдан ортиқ меҳнат шартномалари тузилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили Дилмурод Қосимов, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Алишер Қораев иштирок этди.

Бошланиши 1-бетда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАВЗУ – КОРРУПЦИЯ

*Коррупция салбий ижтимоий ҳодиса сифатида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишга, демократия асослари ва қонун устуворлигига тўсқинлик қилади. Энг аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлашга монелик кўрсатиб, жамиятда ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради. Эркин бозор иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияси ва ҳаёт даражасининг пасайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, коррупция фуқароларнинг давлат бошқаруви идораларига бўлган ишончини йўқолишига сабаб бўлиб, уюшган жиноятчиликнинг авж олишига замин яратади ва инсонларнинг хавфсизлигига таҳдид солади.*

## Биргаликда курашамиз!

Вилоят божхона бошқармасида бўлиб ўтган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди. Унда прокуратура, мазкур бошқарма тизими ходимлари ва тадбиркорлар, вилоят ҳудудида ташқи иқтисодий фаолият олиб борувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари ҳамда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда вилоят божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ш. Салихов, вилоят прокуратураси уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими катта терговчиси А. Муҳиддинов, адлия бошқармаси тадбиркорлар ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Э. Амирқулов ва бошқалар сўз олиб, юртимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли барча жабҳаларда туб ўзгаришлар содир бўлаётгани, хусусан, иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, халқимиз турмуш даражаси янада яхшиланаётганини алоҳида таъкидладилар. Қайд этилганидек, божхона тизими ҳам мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади.

Божхоначилар Ватанимиз сарҳадлари орқали республикамиз ҳудудига қурол-яроғ, наркотик ва психотроп моддалар, диний экстремистик адабиётлар ҳамда сифатсиз товар-моддий бойликлари кириб келишининг олдини олиш баробарида стратегик аҳамиятга эга бўлган хом ашё, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа тарихий ёдгорликлар ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олди олинишига жиддий эътибор қаратмоқдалар. Фидойи ва ўз касбига садоқатли божхона ходимлари муносиб рағбатлантирилмоқда.

Афсуски, соҳа ходимлари орасида давлат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиб, ноқонуний ишларга қўл ураётган, давлат хизматида бўла туриб, ундан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланаётган нафс бандалари ҳам учрамоқда.

Маълумлотларга кўра, 2017 йилнинг ўтган даврида 56 та хизмат текшируви ўтказилиб, шундан 31 ҳолатда ходимлар томонидан хизмат интизоми бузилгани аниқланди. Бир юз ўттиз тўрт нафар ходим интизомий жазога тортилди. Етти нафари эса божхона органларидан бўшатилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги ва "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунлари, "2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича" Давлат дастури мазмун-моҳияти, жамиятимизда коррупция, таъмагирлик ва салбий ҳолатларга чек қўйиш, ҳар бир фуқаронинг шахсий жавобгарлигини ошириш, давлат бошқарув органларини нопок ходимлардан тозалаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича Тошкент вилояти идоралараро комиссияси.**

Реклама ва эълонлар

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2018 йил 19 январдаги 01/06-1-166-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод ҚФЙ, "Қумариқ" МФЙ ҳудудида жойлашган 29-сонли мактабнинг фойдаланилмаётган биноси. Умумий ер майдони – 0,2136 Га, қурилиш ости майдони 724,89 кв.метр, бошланғич нархи – 836 349 141 сўм;

2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод ҚФЙ, "Тўқай тепа" МФЙ ҳудудида жойлашган қозонхона биноси. Умумий ер майдони – 0,1331 Га, қурилиш ости майдони 1331,18 кв.метр, бошланғич нархи – 1 363 976 623 сўм;

Балансда сақловчи: "Тошкент парранда" МЧЖ;

Фаолият ихтисоси: ижтимоий соҳа;

3. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўстлик ҚФЙ, А. Жомий номли МФЙ ҳудудида жойлашган собиқ медпункт биноси. Умумий ер майдони – 0,01665 Га, қурилиш ости майдони 166,4 кв.метр, бошланғич нархи – 171 557 776 сўм;

Балансда сақловчи: "Жомий" МЧЖ;

Фаолият ихтисоси: ижтимоий соҳа;

4. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дўстлик ҚФЙ, "Май" МФЙ ҳудудида жойлашган "Насос станцияси". Умумий ер майдони – 0,01846 Га, қурилиш ости майдони 184,6 кв.метр, бошланғич нархи – 107 490 889 сўм;

Балансда сақловчи: "ЮТМ парранда" МЧЖ;

Фаолият ихтисоси: ижтимоий соҳа;

5. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Олимкент қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 127-уй манзилида жойлашган собиқ қишки клуб биноси. Умумий ер майдони – 0,08776 Га, қурилиш ости майдони 877,6 кв.метр, бошланғич нархи – 756 100 718 сўм;

Балансда сақловчи: "Олимкент пахта тозалаш заводи" АЖ;

Фаолият ихтисоси: ижтимоий соҳа.

Аукцион савдоси 2018 йил 27 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаса, такрорий савдолар 2018 йил 14 март, 29 март, 13 апрель ва 30 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини закалат келишувига асосан, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги банк реквизитларига тўлашлари лозим: ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиали, ҳ/р: 22604000704920609003, МФО 01121, ИНН 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва савдо бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилинадиган ва қўшимча маълумот олиш учун "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел./факс: (0-371) 233-54-96. www.1kms.uz.

Лицензия RR-0001.

**ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган такрорий очиқ аукцион савдоларига "Nigina Madina Biznes" масъулияти чекланган жамиятига тегишли Тошкент вилояти, Пискент тумани, Пискент шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган, умумий майдони 6636,23 кв.метр, қурилиш майдони 83,58 кв.метрдан иборат АЁКШ-58 бино-иншоотлари баҳоси пасайтирилиб чиқарилди. Бошланғич баҳоси – 350 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 12 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаса, такрорий савдолар 2018 йил 22 февраль, 5 март, 15 март ва 26 март кунлари бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб, 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкий мажмуанинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги ҳ/р: 22604000204920609001, МФО 01121, ИНН 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Телефонлар: (0371) 228-84-48, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

ТУЗАТИШ

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 20.01.2018 йилдаги 6 (13059)-сонида чоп этилган «СУВСОЗ» ДУК қошидаги «MUSAFFO OBI HAYOT» МЧЖ Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга ичимлик ва оқова сув хизматлари учун нархларнинг ўзгариши тўғрисидаги эълондаги **«2018 йил 3 февралдан бошлаб»** жумласи кейинги ўринларда **«2018 йил 4 февралдан бошлаб»,** деб ўқилсин.

# ОХИРАТ ДУНЁСИГА БЕПИСАНДЛИК МЎМИНГА ЯРАШМАС

### Амалий ишлар қилинмоқда, аммо етарли эмас

Яқинда вилоятимиз ҳокими Ғуломжон Ибрагимов бошчилигида барча туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, таълим муассасалари мураббийлари ҳамда имом-хатиблар иштирокида селектор мажлиси ташкил этилиб, кун тартибида икки масала муҳокама қилинди.

Улардан бири жиноятчиликнинг олдини олиш бўлса, иккинчиси қабристонларни ободонлаштириш, аниқроқ айтганда, уларни аянчли ҳолатдан қутқариш масаласи бўлди.

Ҳурматли ҳокимимиз томонидан бу икки масала борасида хўп ва кўп ибратли сўзлар айтилди, лозим кўрсатма ва тавсиялар берилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Уларнинг натижасига ўтган шанба ва якшанба кунлари шоҳид бўлдик. Бироқ, бу натижаларни қониқарли, деб бўлмайди. Ҳали бу борада яна кўплаб ишларни амалга оширмоғимиз ва мунтазамликка ўрганмоғимиз лозим.



### Нега "кўзлари тўрт" деймиз?

Халқимизнинг ажиб бир сўзлари бор:

**"Сени кўзим тўрт бўлиб кутдим...".**

Мана шундай тўрт кўзли инсоннинг ҳолини тасаввур қилиб кўрганмисиз... Бир тасаввур қилиб кўринг-а...

...Уни қандай ҳолда кўрдингиз?

Аслида сизу бизнинг қарашларимиз унинг юздан бир ҳолатини ҳам ифодалай олмайди...

Ҳа, ғариб *("ғариб" арабча сўз бўлиб, яқинларидан йироқда, айрилиқда қолган инсонга нисбатан ишлатилади)* инсон яқинлари дийдорини қаттиқ соғингач, ҳар томон қарайвериб, интизорликдан кўзлари тўрт бўлиб қолар экан. Яъни, унинг нигоҳлари тўрт томонга жавдираб, соғинганларини интизор ва тўхтовсиз умид билан кутаверар экан.

Шу жойда ўзимизга, ҳа-ҳа – ҳар жойда "Фалончи-ю, пистончи", дея танилаётган ёки таърифланаётган ўзимизга бир ҳақли савол бериб кўрайлик:

***Қабристонда ғариб бўлиб ётган Отам, Онам, Жигарларим мени кўзлари тўрт бўлиб кутмоқда... Умидлари сўниб бормоқда, гўё...***

***Мен уларнинг зиёратига бордимми? Қачон?***

***Уларни зиёрат айлаб, ҳақларига дуо қилиш, атрофларида кўп эмас, атиги 10-15 дақиқа ҳозир бўлиш учун вақт ажрата билдимми? Қачон?***

"Ишим кўп, зарур" деймиз-у, телевизор қаршисида соатлаб сериал томошаси учун оғринмай вақт ажратамиз...

Сўлим жойларда кунлаб ҳордиқ чиқариш учун қизғанмай вақт топамиз, таътилга ҳам чиқамиз...

Аммо...

Хулоса ўзимизда қолди...

### Қайтар дунё

Ҳеч кимга сир эмас, барча ота-бобо ва она-момоларимиз, яна кимларимизнинг ака-ука, опа-сингил, умр йўлдош ва фарзандлари қўним топган қабрлари ҳамда ён-атрофларини озода, эътиборли ва зиёратли, деб бўлмайди.

Айримларининг аянчли ҳолатларини кўриб, бир савол туғилади: ***"Фарзандлар тарбияси, уй-жой озодалиги, умр йўлдоши хизмати йўлида ҳар кун эмас, ҳар он жон куйдириб, жон бериб яшаган, уларнинг бахтини сўраб Яратганга илтижолар айлаган бу Инсон учун, наҳотки, унинг икки газли майдонидан ҳафтада, ойда бир бор бўлсада хабар олувчи, ҳақларига дуолар қилиб, қабри атрофини тозалаб қўювчи бир тирик жон топилмаса?!"***

Ўлдинг – ўчдинг, дегани эмас-ку, ахир!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

***"Улуғ ва азиз бўлган Аллоҳ бандасининг даражасини** (вафотидан сўнг ҳам) **юксалтириб туради. Шунда у: "Эй Раббим, бу даража менга қаердан келди?", дея мурожаат қилганида, Аллоҳ Таоло унга: "Болангнинг сенга қилган дуоси туфайли", деб жавоб беради".***

Хулоса қилиш мумкинки, фарзандлар, яқин қариндошлар ўтганларининг ҳақларига доимо дуо қилиб туришлари лозим экан. Фарзанднинг дуоси билан ўтган ота-она ва бошқа яқинларнинг даражаси кўтарилар экан. Ҳатто, Аллоҳ Таоло уларга раҳматини зиёда қилиб, мағфират этар экан. Натижада, ўтганларнинг руҳи ортдагиларидан шод ва рози бўлар экан.

Фақат, қачон?

Қачон-ки, фарзанд уларни зиёрат айлаб, ҳақларига дуо айласа.

Бунинг учун ўзимизга савол бермоғимиз керак: "Менинг отам ёки онамнинг даражаси бошқалар ота-онаси олдида қуйида қолиб кетмадими? Ўзи қачон бир астойдил дуо қилдим?", дея.

Бу саволга жавобни биров учун эмас, фақат ва фақат ўзимиз учун ахтармоғимиз керак.

Буни қайтар дунё, дейдилар, биродар...

### Чалғимайлик!

Насиб этиб, кексайганимизда фарзандларимиз биз учун қанчалар керак бўлса, вақти етиб, бу дунёни тарк этганимизда унданда кўпроқ керак бўладилар. Тўғрироғи, уларнинг зиёрати ва дуолари...

Қуйидаги ҳақли ва муҳим саволларга ўзимиздан бир жавоб ахтариб кўрайлик:

**Ҳақли савол:**

– Ота-онам қайси санада туғилганлар?

– Улар қачон вафот этдилар?

– Қабрларини ўз уйимни топгандек ахтармасдан топа оламанми?

– Қачон зиёратларига бордим?

– Қачон фикримни жамлаб, Қуръони Каримдан икки сурани гўзал тарзда тиловат қилиб, ҳақларига дуо қилдим?

– Аввало, дуо қилиш, Қуръон ўқишни биламанми?

**Муҳим савол:**

– Қачон оилам, фарзандларимни етаклаб, ота-онам қабрлари бошига олиб бордим?

– Қачон уларга: "Мана бу раҳматли отам, мана буниси эса раҳматли онам, яъни, бобо ва момоларингизнинг қабрлари бўлади", дея таништириб, уларнинг ҳаётлари ҳақида икки оғиз ҳикоя қилиб бердим?

**Энг муҳим савол:**

– Қачон рафиқам ва фарзандларимни етаклаб, турмуш ўртоғимнинг ота-оналари – қайнота ва қайнонамнинг қабрлари бошига олиб бордим?

– Қачон уларга: "Мана бу онангизнинг раҳматли оталари, мана буниси эса онангизнинг раҳматли оналари, яъни, бобо ва момоларингизнинг қабрлари бўлади", дея таништириб, уларнинг ҳаётлари ҳақида икки оғиз ҳикоя қилиб бердим?

Бу саволга ҳам жавобни биров учун эмас, фақат ва фақат ўзимиз учун ахтарайлик!

Сохта ва алдамчи жавоблар бизни чалғитмасин!

### Зиёрат – ўзни тарбиялаш, демакдир

Орамизда қабрдан қўрқувчи ёки қўрқитувчилар, унинг олдидан ўтишга, унга яқин боришга ўзида куч тополмайдиганлар йўқ эмас.

Улуғларимиз қабр аҳлини "Индамаслар олами", дея таърифлаганлар. Қолаверса, доно халқимизда "Ўликдан эмас, тирикдан қўрқ!", деган нақл ҳам бор.

Аслида қабристон даҳшатли манзил эмас. У ўтганларимизнинг ётар манзили бўлса, сизу биз – тириклар учун руҳий тарбия маскани ҳисобланади.

Шуни яхши билмоқ кераккки, ислом шариати кўрсатмаларида қабристон аҳлини зиёрат қилиш ёки улар ҳаққига дуо қилиш борасида бирор бир тақиқланган вақт мавжуд эмас.

Аслида бу зиёрат инсонга дунёнинг ортиқча ташвишларини унутишда, яхшилик сари юзланишда, ёмонлик, яъни жиноятчиликдан қутулишда ёрдам беради.

Маълумки, бугун жойларда ташкил этилаётган тадбирларнинг асосий қисми "Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш" мавзуига қаратилган. Нима учун кун сайин жиноятчилик деган бало кўпайиб бормоқда? Нима учун одамлар бунчалик бағритош ва қаҳри қаттиқ бўлиб бормоқда? Ҳатто, қотиллик ҳам оддий ҳолга айланиб қолса? Шунча тадбирлар, ислоҳотлар ва чоралар кўрилса-ю, натижа ижобий бўлмаса! Нима қилмоқ керак?

Муаммонинг сабабларидан бири – қабристонларни зиёрат қилмай қўйдик, охиратни эсга олмай қўйдик, майитлар ҳолидан ибратланмай қўйдик. Натижада, жиноятчилик ҳам оддий ҳолга айланиб улгурди.

Биз бу борада ёшларни ота-бобо ва она-момоларимизнинг ибратли ҳаёт мактабига, ўз навбатида, қабрлари зиёратига ўргатмай туриб, натижага тўлиқ эриша олмаймиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

***"Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Энди қабрларни зиёрат қилаверинглар. Чунки, у сизларга охиратни эслатади".***

*(Имом Термизий ривояти.)*

Яна бир ривоятда: ***"Чунки у қалбни юмшатади, кўзни ёшлатади ва охиратни эслатади",*** дейилган.

Даставвал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдилар. Боиси, жоҳилият даврида қабрларга сиғиниш, уларга ибодат қилиш каби хурофотлар авж олиб кетган эди. Қавмга соф ислом эътиқоди ва қабрлар ҳақида етарлича тушунча берилганидан сўнг қабрлар зиёратига рухсат берилди ва уларни зиёрат қилишнинг асл мақсад ва самаралари баён этилди.

Табиийки, қалби қаттиқ кишининг кўзига ёш келмайди. Бундай киши бошқаларга меҳр-шафқат кўрсатмайди. Демак, қабр зиёрати инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-мурувватни кучайтирувчи бепул ва самарали воситадир. Боиси, зиёратчи зиёрати орқали ўзлигини англайди. Дунёнинг ҳақиқатини онгли равишда тушуниб етади. Унинг чорловларига алданиб қолмайди.

Ҳа, зиёратчи қабрларни зиёрат қилиш орқали мазкур фазилатлардан баҳраманд бўлса, майитлар зиёратчининг дуо ва истиғфорлари ҳамда тиловатлари савобидан баҳраманд бўладилар.

Демак, ота-оналар, жигарлар, мўмин-мусулмонлар ҳамда улуғ зотларнинг қабрларини юқорида айтилган фазилатларга эришиш ва уларнинг руҳларини шод этиш мақсадида зиёрат қилиб туриш иккинчи эмас, асосий даражали ишимиз бўлмоғи лозим.

Қабр зиёратига одатланган инсондан ёмонлик чиқмайди. У софдил ва олижаноб инсонга айланади.

Аммо, афсуски, халқимиз орасида ота-онаси тирик бўла туриб, уларни қадрламаётганлар, вафот этган бўлса, қабрини зиёрат қилиб, ҳақларига тиловати Қуръон қилмаётганлар ҳам учраб турибди. Зеро, ҳеч ким бу ҳаётда абадий қолмайди, ҳамма ҳам бир кун вафот этиб, борадиган жойи қабристон бўлади.

Тириклигида ота-она ёки яқинларининг қадр-қимматини қилмаган, бироқ катта-катта харажатлар эвазига тўйхоналарда ош бериб, ном қозонаётганлар, ўзлари ҳашаматли уйларда яшаб, марҳумларининг қабрини унутиб қўяётган одамларнинг кўпинча ҳеч кимга гап бермай, оғизларини тўлдириб гапираётганларини кўриб таажжубланасан, киши. "Ном" чиқариш учун не-не ишларни қиладилару, аммо охират диёрини эслатувчи маконни унутиб қўядилар. Шундай бепарво ва лоқайд бўлишдан эҳтиёт бўлмоқ даркор.

### Буларни биласиз-ми?

**Қабристон шиори:**

"Боқийлик Аллоҳ Таолога хос. Ундан ўзгаси фано топгувчидир".

**Кейингиларнинг Аввалгилар олдидаги бурчи:**

***"Улардан** (яъни, мусулмонлар) **кейин келганлари: "Эй Раббимиз, бизни ва биздан аввал имон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин, қалбимизда имон келтирганларга нисбатан ғилли ғаш қўймагин, эй Раббимиз, албатта, Сен шафқатли ва меҳрибонсан", дерлар".***

*("Ҳашр" сураси, 10-оят).*

**Зиёратга доир лозим илмлар:**

Қабр аҳлидан мадад сўраш, сиғиниш жоиз эмас, булар ширк амал, балки уларнинг ҳаққига дуо қилиш лозим. Шунингдек, қабр аҳлига атаб назр қилиш, жонлиқ сўйиш, шам ёқиш, латта боғлаш каби ишлар имонга хатардир.

Қабристонга имкон қадар таҳоратли, муносиб кийимларда, пок ҳолда кирган афзал. Бу ҳам зиёрат одобидандир.

Қабристонга дабдаба билан, ясантусан қилиб кириш макруҳ. Чунки, бу жой охиратни эслаш, хоксорлик изҳор этиш манзилидир.

**Зиёрат чоғида қабрларни босманг, махсус йўлакдан юринг!**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

***"Бирор чўғ ё қилич устида юришим мен учун бир мусулмоннинг қабри устидан юришимдан яхшироқдир".***

*(Ибн Можа ривояти.)*

**Қабр устига ўтириш дуруст эмас!**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

***"Бирингизнинг бир чўғ устига ўтириб, кийими титилиб, терисигача етиб бориши унинг учун қабрга ўтирганидан яхшидир".***

*(Имом Муслим ривояти.)*

Зиёратчи ўзи зиёрат қилмоқчи бўлган қабрга оёқ тарафидан келиб, қабрнинг ўнг тарафига туради ва қабрга юзланиб, қиблага орқа қилган ҳолда қабр эгасига салом беради ва тиловат қилади.

Зиёратни, аввало, ўтганларнинг катта ва улуғларидан бошлаш, уларнинг қабри олдига борганида уларга салом бериш одобдандир.

**Қабр зиёратида ўқиш тавсия этилган суралар:**

Қабр зиёратига келган киши "Мулк" сурасини ўқиса, яхши бўлади. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

***"У** (яъни, "Мулк" сураси) **ман қилувчидир. У нажот берувчидир. У қабр азобидан нажот беради",*** деганлар.

Қабр зиёратига келган кишига "Ихлос" сурасини 3 маротаба ўқиши ҳам тавсия этилган. Имконияти бўлса, "Ясин" сураси ва "Оят ал-Курсий"ни ўқиса, савоби кўп бўлади.

Қабр олдида Қуръон ўқиганда тиловатни овоз чиқариб ўқиган афзал. Чунки, қабр аҳли ундан баҳра олади.

Зиёратчи дуо қилганда, Қуръон савобини ўз марҳумига бағишлаганда қабристон аҳлини ҳам унутмаслиги керак.

Зиёратчи қабр аҳлига Аллоҳдан мағфират сўрайди, хайрли дуолар қилади. Дуо қилганда қабр эгасидан эмас, балки қабр эгасининг ҳаққига Аллоҳ Таолодан раҳмат ва мағфират сўрайди.

Қабр устидаги кўкариб турган ўсимлик, дов-дарахт ва майсаларга тегилмайди, чунки уларнинг тасбеҳидан майитга манфаат бор. Қуриганлари тозалаб олинади.

**Қабристонга мевали эмас, манзарали, ўзидан ифор таратиб турувчи дарахтлар, гулу райҳонлар экиш мақсадга мувофиқдир.**

Қабрни белгилаш учун тош ёки шунга ўхшаш табиий, содда нарсалар қўйиш мумкин. Исроф, дабдаба мумкин эмас. Белгидан мақсад – қабрни йўқотиб қўймаслик бўлиши керак, холос.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эмикдош биродарлари Усмон ибн Мазъуннинг бош томонига бир тош қўйиб, шундай дедилар:

***"Бу** (тош, белги) **билан акамнинг қабрини белгилайман ва аҳлимдан ўлганларни унинг ёнига дафн қиламан".***

**Азизлар!**

Мухтасар айтганда, биз вилоятимиздаги барча қабристонларни намунали даражага олиб чиқиш, уларни мунтазам эътиборимиз тўрида сақлаш чораларини кўришимиз ва буни амалда исботлашимиз лозим!

Бу мавзуга яна қайтамиз.

**Хайрулла ТУРМАТОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

Бошланиши 1-бетда.

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

# БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БОРЛАР

*Олмалиқ шаҳрида "Баркамол авлод спорт жамоалари" мусобақалари дастуридан ўрин олган белбоғли кураш бўйича Республика финал босқичи ўтказилди.*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур мусобақа дастурига йигирмата спорт тури киритилган. Ушбу спорт ўйинлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш, ёшлар орасида жаҳон спорт майдонларида юксак натижаларни қайд этишга қодир истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш, спорт турлари бўйича терма жамоалар захирасини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Олмалиқ шаҳри мезбонлик қилган белбоғли кураш беллашувларида мусобақанинг саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган энг истеъдодли 98 полвон ғолиблик учун курашди. Мусобақада 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан вилоятимиз полвони Халил Рисқибоев финал учрашувида пойтахтлик Холмирза Ҳасанбоевни енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Оғирлиги 60 килограмм бўлган курашчилар баҳсида Шаҳзод Абдураҳмонов ҳал қилувчи учрашувда андижонлик Муҳаммаджон Расуловдан устун келди ва вилоятимиз терма жамоаси ҳисобига иккинчи олтин медални қўшди. Мусобақада муваффақиятли қатнашган курашчиларимиздан Сардор Тўлаев эса иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Вилоятимиз полвонлари умумжамоа ҳисобида асосий рақобатчилари – Фарғона ва Андижон терма жамоаларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# МАКТАБЛАРДА КИТОБХОНЛИКНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ ЎҚУВЧИ БЎЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчилар орасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида янги лойиҳага старт берилди.*

Маърифат



Лойиҳага кўра, умумтаълим мактабларида "Тарғиботчи китобхон-ўқувчи" номинацияси жорий этилади. Мазкур номинацияга муносиб ёшлар ўз тенгдошлари орасида китобхонликни тарғиб қилади, дея хабар берди вазирлик матбуот хизмати.

Бундай ўқувчи таълим муассасасининг 7-10-синф ўқувчиларидан очиқ овоз бериш йўли билан танлаб олиниб, у мактаб кутубхоначиси билан мутолаа маданиятини янада ошириш бўйича фаолият олиб боради.

Тарғиботчи китобхон-ўқувчи учун мактаб кутубхонасида алоҳида жой ажратиб берилади. У Китобхонлар клубини ташкил этади ва юритади. Қолаверса, ўқувчилар орасида китоб мутолаасига нисбатан меҳр уйғотиш ва уни рағбатлантириш мақсадида мактаб маъмурияти ёрдамида турли маърифий тадбирлар, учрашувлар, акция ва танловлар ўтказади.

Вазирлик томонидан тизимдаги барча таълим муассасалари раҳбарларига тарғиботчи китобхон-ўқувчиларга яқиндан ёрдам бериш ва шахсий намуна кўрсатиш тавсия этилган.

Ўқув йили якунида мамлакат миқёсида энг фаол китобхон тарғиботчилар аниқланади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.*

Bolalik bog`i

# Onajonim O`zbekiston!

O`zbekiston ona yurtim,
Senga atab she'rlar bitdim.
Tarixingni anglab yetdim,
Onajonim, O`zbekiston.

Iqbolingga jonim to`shay,
Farzandingman, burchim o`tay.
Murodimga albat yetay,
Betakrorim, O`zbekiston.

Qo`rquv bilmas o`g`lonlaring,
Jonin tikkan Cho`lponlaring.
Temurbekdek Sultonlaring
Aziz o`lkam, O`zbekiston.

Oltin tarix bizga meros
Bobolarim yo`li ixlos,
Har qadamda aylang e'zoz,
Yagonasan, O`zbekiston.

Saxovatli Yurtboshing bor,
To`y, azada darddoshing bor.
Egilmas tog`, bardoshing bor,
Jannatmakon O`zbekiston.

**Ibrohim TOLIPOV,**
**Zangiota tumanidagi 25-maktabning 9-sinf o`quvchisi.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Саид МУҚИМОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-945. Адади 16 239. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.00.